

**УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАР ПОПУЛЯЦИЯСИДА ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРА
АСОРАТЛАРИДА ПРОФИЛАКТИК ТАВСИФИ**

Пакирдинов А.С., Мамасолиев Н.С., Мадазимов М.М.

Андижон давлат тиббиёт институти

Ўзбекистон Республикаси, Андижон ш.

Кириш. Гастроудоденал яралар ва уларнинг асоратларини даволаш замонавий жарроҳликда кенг қўлланиб келинмоқда, бунинг асосий сабаби эпидемиологик, ноинвазив, ретроскирининг текширувларнинг айниқса узоқ умр кўрувчилар популяциясида етарлича эмаслиги, ёки уларнинг амалий гастроэнтрологияда оммалаштирилмаганлиги бўлиб ҳисобланади. Чунки, асосан шу сабабларга кўра гастроудоденал яралар кечикиб яъни перфорация ва ёки қон кетиш босқичида ташхисланади. В.П.Сажин ва ҳаммуал. (2013), Лебедов И.В. ва ҳаммуал.(2016), Levine M. Et al. (2018) ва Hu V. et al. (2017) томонидан амалга оширилган йирик тадқиқотларда тасдиқланишича, ҳозирги вақтда ошқозондаги жарроҳлик амалиёти учун умумжарроҳлик бўлимларда бош кўрсатма бўлиб (барча ёш гуруҳларида, жумладан, узоқ умр кўрувчилар популяциясида ҳам) яра касаллигининг асоратлари ҳисобланади (Сажин В.П., Савельев В.М., Сажин И.В., Климов Д.Е. ва б.к. Лечение больных с высокой вероятностью развития язвенных гастроудоденальных кровотечений // Хирургия. Журнал им. Н.И. Пирогова. 2013; 7:21-22.).

Узоқ умр кўрувчилар популяциясида эса гастроудоденал яраларни асоратларини ўрганиш муҳим аҳамияти касб этади.

Тадқиқот мақсади: Узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастроудоденал яраларни қон кетиш ва перфорация асоратлари келиб чиқишида клинко-эпидемиологик ва профилактик тавсифини ўрганиш.

Материал ва метод: Тадқиқотга узоқ умр кўрувчи аҳоли ажратилди ва улар тўлиқ текширилди. Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманларида яшовчи узоқ умр кўрувчилар бевосита уй шароитида комплекс текширувдан ўтказилди ва улар билан доимий алоқа ўрнатилди, даволаш ва профилактика ишлари узлуксиз олиб борилди.

Текширув моҳияти ҳар бир текширувчи ва уларнинг яқинларига етказилди, текширувда ГДЯ ва унинг хатар омилларини аниқлаш ҳамда баҳолаш учун ЖССТ сўровномаси-“SteppBO3” асосида ўтказилди. Гастроудоденал яраларни баҳолашда П.Я.Григорьев (1986) таснифидан фойдаланилди. Умумклиник текширувлардан ташқари (анамнез, физикал текширувлар) эзофагогастроудоденоскопия (махсус кўрсатмалар бўйича) ва ультратовушли текширувга асосланиб ташхис қўйилди. Гериатрик хусусиятлар эътиборга олиниб ташхис қўйишда асосан клиник ва сўровномали усуллар (SteppBO3 анкетаси) қўлланилди. Клиник аломатлар ва физикал текширув маълумотларидан фойдаланилди.

Гастроудоденал яралардан қон кетиш даражасини ташхислаш ва баҳолаш учун лаборатор текширув усуллари (гемоглобинни ва гематокритни аниқлаш, гемокоагуляцияни ва ахлатда қон элементларини аниқлаш) қўлланилди. Гастроудоденал ярадан қон кетиш олди ҳолатларини аниқлаш ва баҳолашда (гастрит, дуоденит, ошқозон ва 12-бармоқли ичак ярасини) Сидней ташхисий мезонларидан ҳам фойдаланилди(1990).

Тадқиқот натижалари: Узоқ умр кўрувчи 719 нафар популяциясида текширув натижаларига кўра гастроудоденал яралар билан касалланган аҳоли қатламида яра асоратлари тахлил қилинди. Шунга кўра 126 нафар бемордан 14 нафарида 11.1 % да қон кетиш, 3 нафарида 2,3% да перфорация асорати кузатилди.

Хулоса: Клинко-эпидемиологик тавсифларидан келтирилган рақамли тахлилларда узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастроудоденал яраларлардан қон кетиш ва

перфорация асорати кўрсаткичларини ҳисобга олиб, ушбу популяцияда превентив профилактик чора тадбирлар, бирламчи ва иккиламчи профилактикасини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.